Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 87 (21. 206) 1992 йил 1 май, жума

БАҲОСИ 1 СЎМ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Воқеалар. Янгиликлар. Шарҳлар.



Бугун — меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни 1 Май! У қандай нишонланади? Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия қўмитаси бу сананинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, меҳнаткашларнинг оммавий дам олишини уюштиришни таклиф қилиб чиққан эди. Маҳаллий ҳокимият идоралари, корхоналар, давлат ва жамоа хўжаликлари ҳамда ташкилотлар бу таклифга жавобан халқ сайиллари, табиат қўйнига чиқишлар, спорт мусобақалари, бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг танловлари каби бир қатор тадбирлар ташкил этишни режалаштириб, пухта ҳозирлик кўрдилар.

Бу йилги 1 Май Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи кишиларнинг миллатидан қатъий назар, баҳор ва меҳнат, дўстлик ва иноқлик байрами сифатида нишонланади.

СЕЛГА ҚАРШИ ТУРГАН ЭЛ

● Шу йилнинг 26 ва 28 апрель кунлари республикамизда бўлгани сингари Қашқадарё вилоятининг кўпгина жойларида ёққан кучли ёмғир ва сел натижасида катта ҳажмдаги экин майдонларига, боғ-роғлар, айрим чорва ниншоотлари, кўприк ва йўллар, эски турар-жой биноларига жиддий зиён етди. Табиий офат келтирган зарарни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошчилигида республика ҳукумати, айрим вазирлик ва идоралар раҳбарлари Қашқадарё вилоятига келиб, бир қатор колхоз ва совхозлардаги аҳвол билан танишдилар.

ПРЕЗИДЕНТ И. А. Каримов Қарши, Ульянов ва Косон районлари колхоз ва совхозларида бўлганида қишлоқ хўжалик экинлари парвариши, чигит ва бошқа деҳқончилик экинларини экиш билан боғлиқ ишларни кўрди, табиий офат қийинчиликларини енгиш учун сафарбарлик кўрсатиб ишлаётган деҳқонлар билан учрашди. Шунингдек, қишлоқ меҳнаткашларининг турмуши, моддий таъминоти ва бозорлардаги савдо-сотиқ билан қизиқди.

Президентнинг вилоятдаги сафарида унга вилоят ҳокими Т. П. Хидиров ва Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. О. Омонов ҳамроҳлик қилдилар.

29 апрель куни кечқурун Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Қашқадарё вилояти фаоллари билан учрашди. Учрашувда Президент нутқ сўзлади.

У республика меҳнаткашлари бозор иқтисодиёти шароитида оғир синовларни бошдан кечираётганлиги ҳақида алоҳида тўхталди.

— Бундай мураккаб синовлардан фақат аҳиллик, жипслик билан, баҳамжиҳат, ягона мақсад сари қўлни-қўлга бериб меҳнат қилгандагина муваффақиятли ўтиш мумкин, — деди у. — Кейинги пайтларда бу соҳада республикада ва Қашқадарё вилоятида кўп ишлар қилиняпти. Мустақиллик йўлидан бораётган республикамизда бор имкониятлар ишга солиниб, иқтисодиётни мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, миллатлараро тотувликни таъминлаш бўйича катта ишлар қилиняпти. Осойишталик таъмин этилган жойдагина иқтисодиётда ютуқларга эришиш мумкин. Бунинг учун аввало ҳокимият атрофида маҳкам жипслашиб ҳаракат қилмоқ зарур. Энг муҳими ҳозирги кунда сафарбарлик, аҳиллик ва бирдамлик билан қилинган меҳнат ҳар қандай қийинчиликларни енгишга қодир. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида рўй берган табиий офат қийинчиликларини бартараф этиш учун мардонавор меҳнатни бўшаштирмаслик зарур.

Президент айни кунларда баҳорнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб, кўкламги юмушларни тўғри уюштириш, жумладан барча майдонларга ўз вақтида чигит экиб, уни тўлиқ ундириб олиш, деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун оммавий сафарбарлик эълон қилиб, табиий офат келтирган зарарларни тугатиш билан боғлиқ долзарб вазифаларга тўхталиб ўтди.

Шунингдек, И. А. Каримов Туркия, Ҳиндистон, Хитой ва Саудия Арабистонига қилган сафари таассуротларини ҳам сўзлаб берди.

Фаоллар йиғилишида Нишон район ҳокими Х. Фармонов, вилоят фахрийлар кенгаши раиси С. Усмонов, Қарши шаҳар ҳокими М. Маҳмудов, вилоят ҳокими биринчи ўринбосари Т. Каримов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Учрашувда вилоят ҳокими Т. П. Хидиров нутқ сўзлади.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков қатнашди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жарқўрғон районида 15 мингдан ортиқ оила республика деҳқонлар уюшмасининг аъзоларидир. Турдихол Назарова ва унинг турмуш ўртоғи Суюн ҳам деҳқонлар уюшмасининг аъзоларидир. «Социализм» жамоа хўжалигида турли хил сабзавот маҳсулотлари етиштиришда уларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Бу йилги мўлжаллари ўтган йилгидан ҳам баракалироқ хирмон кўтаришдир. Бунинг учун эса кўкламнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишяпти.

Суратда: Т. НАЗАРОВА.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

МДҲ ЭКСПЕРТЛАРИ КЕНГАШИ ТУГАДИ

ОЛМАОТА, 30 апрель. (КозТАГ мухбири Владимир Черкизов — ТАСС). Бу ерда Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Украина давлат мулки комитетлари раҳбарларининг эксперт кенгаши тугади. Кенгаш якунлари юзасидан собиқ умумиттифоқ лойиҳаси тайёрланди.

Бироқ лойиҳага бир қанча қўшимча шартлар бор. Масалан, Россия вакиллари «пул маблағлари ва бошқа бойликларни» тақсимлашдан маъно йўқ, чунки аллақачон тарқатиб юборилган иттифоқ вазирликлари ва идоларида бундай маблағ ва бойлик йўқ, деб ҳисобламоқдалар. Украина тарихий, меъморий ва маданий қадриятга эга бўлган, шунингдек СССР ташкил этилгунга қадар қурилган бинолар ва иморатларни тақсимлаб бўлмайди, демоқда. Денгиз транспорти, атом саноати ва космик тадқиқотлар ниншоотларига нисбатан ҳуқуқий ворислик масаласи лойиҳада акс этмаганлиги беларуса мақбул бўлмаяпти.

Бошқа муаммолар юзасидан писандаларни экспертлар протоколларга ёзиб қўйиш билан чекландилар, уларда бундан кейинги ишларнинг йўналишлари белгиланган. Мулкни бошқариш, уни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларида фаолиятни мувофиқлаштириб бориш учун ишчи гуруҳини тузишга қарор қилинди.

Иқтисодиёт янгиликлари

ИШГА ТУШИРИЛДИ

● Қибрай районидаги янги Тошкент консерва комбинатида 1 Май байрами арафасида мева-сабзавот шарбатлари учун мўлжалланган махсус тунука идишлар ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди.

Ҳозир бу ерда 350 грамм маҳсулот кетадиган идишлар тайёрланаяпти.

Мутахассислар фикрига кўра, янги цех корхонанинг идишларга эҳтиёжини қоплайди. Фақат таъминотчилар панд беришмаса бўлгани. Негаки, цех учун асосий хом ашё — тунукани топишнинг ўзи қийин. Комбинат таъминот бўлими ушбу муаммони ҳал қилиш чораларини излаяпти.

Ҳ. ОМОНОВ,

«МАЖНУНТОЛ» КИЧИК КОРХОНАСИ

● Ҳўжаобод районидаги М. Мадиёров номли давлат хўжалигида аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатувчи «Мажнунтол» кичик корхонаси ташкил этилди.

Мўъжаз корхона учун умумий қиймати 800 минг сўмлик уч қаватли бино ижарага олинди.

Бу ерга турли касб эгалари бўлган 20 нафар ишчи жалб қилинди. Тикувчилик, радио-телевизорларни таъмирлаш устаханалари очилди. Сартарошхона, суратхашлик сингари аҳолига хизмат кўрсатиш турлари йўлга қўйилди. 1 Май арафаси кунларида кичик корхона хизматидан давлат хўжалиги фуқаролари баҳраманд бўла бошладилар.

М. БОЛТАБОЕВ,

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Фарғона вилояти фаолларининг 29 апрель куни бўлиб ўтган йиғилишида ижтимоий-иқтисодий аҳвол, бюджет масаласи ва қишлоқ хўжалиги борасида давлат буюртмаларининг бажарилиши, биринчи чорак якунлари муҳокама қилинди.

Фаоллар йиғилишида Фарғона вилояти ҳокими Ғ. Фозилов иштирок этди.

(ЎзА).

ҚАДРИЯТЛАР ҚАДРИ

Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукус шаҳри байрам либосида. Шаҳарнинг барча ҳудудларида 1 Май байрамига тайёргарлик кўрилди. Шаҳар аҳли, кўпчилик меҳнат жамоалари байрамни тўрт ойлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш режаларини ошириб бажариш билан кутиб олдилар.

Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлардан чиқишнинг ягона йўли кичик корхоналар ва ёрдамчи хўжаликлар тармоқларини кенгайтириш, уларда истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бунинг учун эса, энг аввало, ҳамма соҳада мустаҳкам интизомни йўлга қўйиб, ҳалол, виждонан меҳнат қилишга эришиш эканлигини қорақалпоғистонликлар яхши тушуниб олдилар. Мана шуларни амалга оширишда Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгаши бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамкорликда иш кўриб аҳоли ўртасида олиб борган кенг тушунтириш тадбирлари муҳим роль ўйнади.

Тинчлик, Бирдамлик, Меҳнат, Баҳор байрами — 1 Майни нишонлашга қарор қилингани барча меҳнаткашларнинг айни кўнглидаги иш бўлди. Бу ташаббус республика Халқ демократик партиясидан чиққанлиги ҳам аҳоли хоҳишига мос тушди. Нукус шаҳар партия кенгаши халқ депутатлари шаҳар Кенгаши билан бирга байрам кунларини ўтказишнинг кенг дастурини ишлаб чиқди. Шаҳарнинг бош майдонида оммавий сайиллар, спортнинг турли хиллари бўйича ўйинлар ўтказилади. «Нукус» меҳмонхонаси олдида шаҳар маданият бўлимининг бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ижодий жамоалари, шунингдек, артистлар иштирокида катта концерт кўрсатилади. Нукус Давлат дорилфунуни, давлат муаллимлар билимгоҳи, техникумлар ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилар, талабалар иштирокида ёшлар кечалари ўтказиш, концертлар кўрсатиш ҳам режалаштирилган.

Маданият ва истироҳат боғларида, ҳиёбонларда, шаҳарнинг марказий кўчасида умумхалқ сайиллари ўтказилади. Турли хил ўйинлар, каруселлар, аттракционлар болалар хизматида бўлади. Стадионларда спорт мусобақалари ўтказилади.

Шаҳарда, шунингдек, ярмаркалар, озиқ-овқат дўконлари, ошхоналар, буфетларнинг байрамона хизмат кўрсатишини ташкил этиш ҳам мўлжалланган. Қисқача айтганда, байрам кунларида шаҳарликларнинг мириқиб дам олишлари учун барча шароитлар яратилади.

К. СЕЙТНАЗАРОВ,
Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгашининг биринчи котиби.

УМИД УЧҚУНЛАРИ

Халқимиз нишонлаб келаётган байрамлар кўп. Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларимиз тикланаётганлиги, унутилган байрамларимиз қайтиб келаётгани рост. Яқинда Наврўзни кенг нишонладик. Мана меҳнат аҳлининг халқаро бирдамлик куни — 1 Май ҳам келди. Бошқаларни билмадиму, мен учун Биринчи майнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Тўғри, бу йилги май байрамини танглик кучайган, иқтисодиёт пароканда бўлган, нарх-наво ошган, собиқ Иттифоқ республикалари ўртасидаги алоқалар бўшашиб кетган даврда кутиб оляпмиз.

Яширишнинг ҳожати йўқ: аҳвол оғир. Негаки, бозор иқтисодиёти ўз талабларини қўймоқда. Эндиликда яшаш учун, омон қолиш ва кун кўриш учун машақатли кураш кетмоқда. Жумҳурият ҳукуматининг мана шундай қийин шароитда аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан, пенсионерлар, кўп болали оилалар, ногиронлар, талабалар ва бошқа тоифадаги кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан кўраётган чора-тадбирлари оғриқ кўнгилларга таскин беряпти, эртанги кунга ишонч кайфиятини бағишламоқда.

Инсон борки, келажакка умид билан қарайди. Зотан, ноумид шайтон дейдилар. Мен бу гапни байрам арафасида айтишимнинг боиси бор. Ишончим комилки, ҳали яхши кунлар келади. Юртимиз тўкин-сочин бўлиб, халқимиз фаровонликка эришади. Бироқ унгача олдимизда турган муаммоларимизни барчамиз ҳамжиҳатлик билан ҳал қилишимиз, юртимизда тинчтотувликни қарор топтириш да бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишга эришишимиз зарур.

Мақтаниш эмас-у, мен ишлаётган корхонада амалга оширилаётган бу соҳадаги тадбирлар ибрат бўларлидир. Бизда турли миллат вакиллари ишлашади. Барчаси бир-бири билан аҳил, ҳамфикр. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган фахрийларимиз бизга ҳамиша мددкор. Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ноанъанавий тадбирларини ҳам биргаликда излаб топяпмиз.

Яқинда меҳнат жамоаси кенгашида корхона фаоллари тўпланиб, тадбирлар мундарижасини белгилаб олишди. Жумладан, ишчиларнинг ўртача ойлик маошини 2 мингсўмга етказиш, озиқ-овқат учун компенсация тўлови тарзида ойига 250 сўмдан бериш завод маъмуриятига тавсия этилди.

Аслини олганда, корхонанинг бундай тадбирларни амалга ошириш учун имкониятлари етарли. Агар ўтган йил мобайнида жамоа 4,5 миллион сўм даромад қилган бўлса, бу йилнинг дастлабки уч ойида 3 миллион сўм фойда кўрдик.

Заводда ишчиларга моддий ёрдам кўрсатишнинг бошқа чоралари ҳам кўриляпти. Чунончи, май байрами арафасида мол айирбошлаш эвазига жамоа аҳлига гуруч, конфет сотиб олиб берилди. Корхона ёрдамчи хўжалигида етиштирилаётган гўшт ишчилар дастурхонига барака киритяпти. Бизда байрамлар арафасида меҳнат фахрийлари хонадонида бўлиб, уларнинг ҳолидан хабар олиш, моддий ёрдам пули бериш одат тусига кирмоқда.

Қисқаси, биз 1 Май байрамини ўзаро аҳиллик, бирбирига меҳр-мурувват кўрсатиш билан кутиб олдик. Очиғи, корхонамиздаги ишчиларнинг эртанги кунга ишончи ортиб боряпти. Шу боис, уларнинг руҳи тетик, ишибароридан келяпти. Зотан, жумҳурият ҳукуматининг мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳар биримизнинг қалбимизда умид учқунларини уйғотяпти.

К. ЖУМАЕВ,
Когон ёғ тозитиш заводи ишчиси, вилоят Кенгашининг нойби.

БУХОРОЛИК ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОНЛАР ҲУЗУРИДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 29-30 апрель кунлари Бухоро вилоятида бўлди.

Илгари хабар қилинганидек, 28 апрель куни рўй берган табиий офат—сел ва бўрон туфайли Бухоро вилояти қишлоқ хўжалиги 100 миллион сўмликдан зиёд зарар кўрди. Эндигина униб чиққан 92 минг гектар ердаги ғўза ниҳоли сув остида қолди.

Президент табиий офатдан жиддий талофот кўрган Жондор, Вобкент, Бухоро, Шофиркон, Ромитан, Пешку районлари деҳқонлари ҳамда фермерлари ҳузурида бўлди. Ер билан табиий офат оқибатларини бартараф этишқандай бораётгани, деҳқонларга кўрсатилаётган амалий ёрдам, уларнинг турмушини яхшилаш хусусида суҳбатлашди.

Бутун республика бухороликларга мадад бермоқда. Кўрилган зарарни қоплаш учун, жумладан, 3 минг тонна чигит, қишлоқ хўжалик техникаси учун 5 минг тонна ёнилғи, 5 минг тонна селитра ва 3 минг тонна аммофос ўғити етказиб берилади.

30 апрель куни Бухоро вилояти ҳокимлигининг мажлислар залида район ва шаҳар ҳокимлари, вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси раҳбарлари, табиий офатни тугатиш бўйича тузилган вилоят штабининг аъзолари иштирокида кенгаш ўтказилди. Бу йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида республика Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Бухоро вилояти ҳокими Д. С. Ёдгоров қатнашдилар.

(ЎзА).

ОФАТ ВА ҲАРАКАТ

Бўлиб ўтган ёғингарчилик вилоятнинг кўпчилик районларига нохушлик келтирмади. Фақат Бекобод районидеҳқонлари учун шу кунлар беҳалолат кечди. Қаттиқ шамол билан ёққан жала селга айланди. Унинг ҳамласидан қатор хўжаликлар далалари четда қолмади. «Ленинград», Ойбек номли, «Навбаҳор», «Авангард», А. Мавлонов номли давлат хўжаликлари айниқса, кўп зарар кўрдилар. Экилган чигит, чорва озуқаси ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сел остида қолди. Табиий офатдан кўрилган жами зарар ҳозирча 23 миллион сўм атрофида, деб фараз қилинмоқда.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ Е. С. ТЕМКИННИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Евгений Сергеевич Темкин бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат қурилиш ишлари қўмитасининг раиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1992 йил 29 апрель

ХДП: партия ташкилотидан хатлар

ТОМДИНИНГ БАРДОШЛИ ОДАМЛАРИ

● ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ: Томди райони ҳудудини чоғроқ бир мамлакат кенглигига қиёс қилгудек. Тўрт миллион гектар яйлов ери бор. Бир томони Қозоғистон республикасининг Чимкент ва Қизилўрда вилоятларига туташиб кетган. Аҳолиси 28,2 минг кишидан иборат. Шуларнинг 70 фоизи қозоқлардир. Оқсоқолларнинг айтишича, улар бу ерга бундан 200 йилча олдин келиб қўр тўкишган, шу ерда қудуқ қазиб қўй боқишган. Қудуқларининг оралиғидаги йўл камида 30-40 километр. Қишлов ва кузловлар ҳам ана шу қудуқлар атрофига жойлашган. Чўпонлар асосан Кичик жузнинг Аспон бозил уруғидан. Барчаси меҳнаткаш, умри қўй подалари орасида ўтаётган кишилар. Район раҳбарларининг айтишича, беполён Қизилқум яйловларида 28 та ферма жойлашган экан. 358 минг бош қўй, 4 минг бош туя, 3700 бош от асраларкан.

*** * ***

Биз мана шу чўлни энлаган, мол-ҳолни кўчса қора уйнио кўч-қўронини туясига ортиб қудуқдан-қудуққа кўчиб юрган, бағри кенг, кўнгли тоза, «фалон чўпонникига меҳмон келибди» деб эшитгудек бўлса, қўноқнинг бир оғиз янги гапини эшитиш мақсадида бола-бақрасини отига мингаштириб, бир кун-ярим кунлик йўлдан «ҳорма-бор бўл», деб келадиган оддий чўпонларнинг яйловида уч кун меҳмон бўлдик. Йўқ, меҳмон бўлдикмикин эмас, уларнинг оғир ҳаёти билан яқиндан танишдик. Турмуш ташвишлари, қийин-қистовли юмушлари, маҳаллий ҳукумат ҳал қилиб беролмаётган, ечилиши фақат Тошкенттагина боғлиқ бўлиб қолган муаммолари билан танишдик. Аммо бизда алоҳида қониқиш ҳосил қилган нарса — тақчиллик юмшаб, оғир кунлар ўтмишчи эканлигига ишончнинг зўрлиги бўлди. Қиннрлик бош чўпон Бибигул Мўлдабекова бир этак болалари қуршовида янги туғилган қўзиларни совлиқлардан ажратаётиб, ўйчанлик билан айтганидек, «Бу қора кунлар ҳам ўтар-кетар, кўздек қўшин бўлиб ўтирган қариндош эллар бир-бировининг ҳурматини жойига қўйса бўлгани. Бир қошиқ бўғон эса ҳар кимнинг қозонида қайнаб турибди. Аҳлиликка не етсин. Тотувлик бўлса ўша бўғонни тўрт кўз туғаллик билан бемалол, хотиржам ўтириб ичамиз. Аммо ниним, мен сизларга айтсам, қўкумматга, партияга раҳмат. Ҳамма ерда ана шу тотувлик, туғаллик бўлсин деб туну-кун жон куйдиряпти. Халқин деб яшаётган партия ҳеч қачон, сира ҳам кам бўлмайди. Одамлар ҳам шу партиянинг гапига қулоқ солиб айтганини қилади. Ё гапим нотўғримі?»

Биз шундай мазмундаги фикр ва мулоҳазаларни фақат куну-тун қий чангаллаб сурув орасида юрган Бибигул опаданнинг эмас, томдилик ўқитувчилардан ҳам, савдо ходимларидан ҳам, Қизилқумнинг қоқ киндигидаги чўпон-чўлиқларга сув, озиқ-овқат ташиб бераётган шофёрлардан ҳам эшитдик. Садағаси кетгур оддий одамнинг гапи ҳамиша ҳақ бўлади. Шунинг учун ҳам биз беполён чўлда одамлардан қандай гапларни эшитган ва кўрган бўлсак, шундайлигича қоғозга туширишга қарор қилдик.

(Давоми иккинчи бетда).

• *ХДП ҳаётидан*

ПАРТИЯ ГУРУҲИ ИШ БОШЛАДИ

● Халқ нойблари Сирдарё вилоят Кенгаши қошида ХДП аъзоси бўлган нойблардан иборат партия гуруҳи тузилди. Гуруҳга 87 нафар нойб ўз ҳоҳишларига кўра аъзо бўлиб кирдилар. ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби С. Усмонов гуруҳ раҳбари, вилоят электр тармоқлари корхонаси бошлиғи С. Донийёров унинг муовини этиб сайланди. Партия гуруҳи аъзолари 17 кишидан иборат кенгаш сайладилар. Кенгаш сессиялар ўртасида партия гуруҳи ишини олиб боради, унинг йиғилишларига масалалар тайёрлайди, бошқа ташкилотлар, комиссиялар билан алоқаларни мувофиқлаштиради.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БРИГАДА ЕТАКЧИСИ

● Асқарали Раҳимқуловни Марҳамат районидаги Ильич номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари яхши билишади ва ҳурмат қилишади. Бу бежиз эмас, албатта. Асқарали мана 7 йилдирки, хўжалик пахтачилик бригадасига етакчилик қилиб, ўз вазифасини сидқидил меҳнати билан оқлаб келаётир. Шу йиллар мобайнида унинг бригадаси аъзолари давлатга пахта сотиш йиллик режаларини ортиғи билан бажаришга эришмоқда. Утган йили бу азамат деҳқонлар 77 гектар майдонда пахта ўстирдилар. Пахтакорларнинг астойдил қилган меҳнатлари ўз самарасини берди. Ҳар гектар ердан режадаги 24,5 центнер ўрнига 30,6 центнердан «оқ олтин» етиштирилди. Давлатга 236 тонна сифатли саноат хом ашёси топшириб берилди. Режадан ташқари 17 тонна пахта сотилди ва йиллик режа 125 фоизга уддаланди. Шубҳасиз эришилган бу меҳнат ютуғида ажойиб ташкилотчи, уста пахтакор, ХДП аъзоси Асқараля Раҳимқуловнинг ҳам ҳиссаси каттадир.

— Бу йил 101 гектар ерда деҳқончилик қиламиз. Мақсадимиз ҳар гектар ердан 29,5 центнердан ҳосил кўтариш. Шу мақсадда баҳорги дала ишларини қизитиб юборганмиз, — дейди бригада етакчиси.

Ҳ. УТАНОВ,
Андижон вилояти Марҳамат райони.

ФАОЛЛАШТИРИШ ДАРКОР

● Фарғона шаҳар партия ташкилоти Узбекистон Халқ демократик партияси вилоят ташкилотидаги аччагина мураккаб бўлимлардан иборат десак ҳато бўлмайди. Чунки шаҳар кўп миллатли, вилоятнинг асосий саноат корхоналари шу ерда жойлашган. Турли сиёсий гуруҳлар, шунингдек ҳали рўйхатга олинмаган сиёсий ташкилотлар ҳам фаол иш олиб бораётир. ХДП шаҳар кенгашининг яқинда бўлиб ўтган пленуми бошланғич партия ташкилотлари олдида турган ўзига хос мураккаб вазифаларни муҳокама этди.

Шаҳарда ҳозир 135 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд. Партия аъзолари сифат жиҳатидан ўсиб бораяпти. Сунъий чарм заводи, фурон бирикмалари кимё заводи, консерва заводи ва бошқа қатор корхоналардаги бошланғич партия ташкилотлари ўз ишларини яхши йўлга қўйиб олганлар. Уларда партия аъзолари сафларининг ўсиши юқори. Бошланғич ташкилотлар корхоналардаги ишчиларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш, зарур маданий-маиший шароит яратиб бериш борасидаги муаммоларни дадил кўтариб чиқмоқда. Ишчи жамоалари орасида ХДП обрўси ошмоқда.

Шу билан бирга шаҳардаги кўпгина партия ташкилотларида ҳали ўз олдиларидаги мақсад ва вазифаларни аниқ кўра билмаслик, мавжуд мураккаб вазиятлардан чиқишнинг энг тўғри йўлини топа олишда қийналиб қолиш каби муаммолар ҳам йўқ эмас. Чунончи пиллакашлик фабрикаси, ёғ-мой комбинати, уйсозлик комбинати ва бошқа қатор корхоналардаги бошланғич партия ташкилотларида ишлар афсуски, яхши йўлга қўйилган эмас. ХДП Фарғона шаҳар кенгаши пленумида бу ҳақда кескин таҳқидий фикрлар билдирилди, ҳудудий партия ташкилотлари ишини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилди.

Пленумда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Илгари ХДП шаҳар кенгашининг биринчи котиби бўлиб ишлаган А. Абдуллаев «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори лавозимига ўтганлиги муносабати билан ўз вазифасидан озод этилди. Узбекистон ХДП Фарғона шаҳар кенгашининг биринчи котиби этиб илгари Фарғона тўқимачилик комбинати директори ўринбосари бўлиб ишлаган Р. Йўлдошев сайланди.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БИР САФГА УЙҒУНЛАШИБ

● УРГАНЧ. [Ўзбекистон овози» мухбири]. Яқинда ХДП Урганч шаҳридаги ҳудудий партия ташкилотларининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда турар жойлар ва маҳаллаларда ташкил этилган ҳудудий партия ташкилотлари шу кунларда олиб бораётган диққатга сазовор оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар, уларнинг фаолиятини ягона бир ташкилотга уйғунлаштириш ҳақида сўз борди. Шу ҳақда шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Б. Бобожонов маъруза қилди.

Айни пайтда шаҳарда ўз атрофида 400 нафарга яқин ХДП аъзосини бирлаштирган 22 та ҳудудий партия ташкилоти иш олиб бораяпти. Маърузачи ва сўзга чиққан нотиқлар бутун диққат-эътиборни уларга бундан кейин ҳам самарали иш олиб боришлари учун яқиндан ёрдам бериш, партия аъзолари, айниқса фаолларнинг омма орасидаги тарғиботчилик ишини кучайтириш зарурлигига қаратдилар. Турар жойлардаги аҳолига вазиятни тўғри тушунтириш, юз бераётган муаммоларни рўй-рост талқин қилиш, кишиларга ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг эҳтиёжларини таъминлашга кўмаклашиш — ХДП ташкилотларининг обрўси ва нуфузини оширадиган асосий омиллардир, деб таъкидлашди нотиқлар.

Конференцияда шаҳар партия кенгаши ташкилотчиси Р. Рўзиматова Узбекистон ХДП Марказий Кенгашининг партия Дастури ва Низомини ўрганиш борасида партия ташкилотлари эътиборига ҳавола этилаётган тавсиялар ҳақида гапирди. Бу тавсияларга мувофиқ бошланғич ва цех партия ташкилотлари ҳузурида партия тўгараклари ташкил этиш таклиф қилинди. Бу тўгаракларга партия аъзолари томонидан сайланган маслаҳатчилар раҳбарлик қилишади.

Конференцияда шаҳар ҳудудий партия ташкилотлари Кенгаши Низомининг лойиҳасини кўриб чиқди ва маъқуллади. Кенгаш котиби ва аъзолари сайланди. Иккинчи маҳалла партия ташкилоти етакчиси Р. Бекмонов шаҳар ҳудудий бошланғич ташкилотлари кенгашининг котиби этиб сайланди.

Э. МАДРАҲИМОВ.

ХДП: партия ташкилотидан хатлар

ТОМДИНИНГ БАРДОШЛИ ОДАМЛАРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ЖАБАЙ ОТАНИНГ ЎГИТЛАРИ

Серик Сангариев асли совхоз директорининг маданий ишлар бўйича ўринбосари. Аммо халқ уни кўпроқ партия ташкилотининг котиби сифатида танийди, ёш бўлса ҳам ҳурматини жойига қўйиб, эскичасига «партком бува» деб атайди. Мана шу уч кун бирга юриб, бирга туриб бир нарсани кўпроқ кузатдик. Каттаю-кичик, ҳатто бутун умри элнинг оқсоқоли бўлиб ўтган нуроний отахонлар ҳам у билан кўришганда у ёқ-бу ёғини йиғиштириб, одоб билан омонлашадилар. Ҳатто уни бир чеккага тортиб асли совхоз директори билан битириб кетиши мумкин бўлган юмушлари тўғрисида маслаҳат солганлари гувоҳи ҳам бўлдик.

— Бу иззат-ҳурмат аслида менга эмас, партия ташкилотига кўрсатиляпти, — деди у бизнинг синчковлик билан кузатиб турганимизни кўриб. — Халқ партияга ишонади, унинг айтганига қулоқ солади. Совхознинг энг обрўли одамлари унга аъзо бўлган. Уларнинг ҳаммаси ҳам айтган сўзининг уддасидан чиқадиган, тўймаъракаларда ҳамиша тўрдан жой олиб ўтирадиган кишилар.

Биз бу хўжаликка келишдан олдин район партия кенгашида Серик Сангариев ҳақида ҳам, совхознинг партия ташкилоти тўғрисида ҳам батафсил маълумот олгандик. Партия аъзоларининг сони 73 киши, ҳар ойда уларнинг сафига обрў-эътиборли бешолти киши қўшиляпти. Куни-кеча партия йиғилишида халқ демократлари етти аризани кўриб чиқдилар. Партияга қабул қилишларини илтимос қилган кишилар орасида ферма ҳисобчиси ҳам, оддий шофёр ҳам, зоотехник ҳам, тракторчилар ҳам бор эди. Хўжалик партия ташкилоти сафи бир кунда етти кишига кўпайди. Бир пайтлар ана шу хўжаликда ишлаган, ҳозир эса район ҳокимининг ўринбосари Темирбек Санғизбоевнинг айтишича, «уларнинг ҳар бири ҳам бир юртга оқсоқол бўлишга арзийдиган одамлар эди. Жабай Балиманов номли давлат хўжалиги бутун иқтисодиётини аслида мана шу кишиларга суяниб олиб боряпти. Хўжаликнинг ривожини элга кўрдош бўлиб турган мана шу кайвонилар белгилаб беришяпти.

— Келинг, мен сизларни эл севган, меҳр қўйган кишиларимиздан бири билан таништирай. У 1-фермага мудирлик қиляпти. Жахсилиқ Балиманов. Совхозни унинг отаси номи билан атаганмиз. Эл-юртга таниғлиқ оқсоқол эди, худо раҳмат қилгур.

Серикнинг бу таклифи айни муддао бўлди. Чунки бизнинг ҳам асли мақсадимиз икки марта меҳнат Қаҳрамони Жабай Балиманов номи қўйилган совхозда умри чўпонлик билан ўтган ана шу оқсоқолнинг фарзандлари билан танишиш эди.

Тоғ-тош, ўркач-ўркач қум тепалар оралаб ўтган йўл 1-ферманинг беш-ўн уйдан иборат мўъжазгина Қинир овулига олиб чиқди. Аммо Жахсилиқ Қолдибек Сиддиқовнинг сурувига кетган экан.

— Ҳозир қўй қўзилаётган пайт, болам. Шундай кунда ким ҳам идорада қамалиб ўтирарди, — пишиллаб қолган тўрттагина совлиқни қоровуллаб, қурасининг ёнида ҳассасига суяниб турган оппоқ соқолли отахон омонлашаркан деди. Сўнг гаплашгани одам топилганидан хушнуд бўлиб гапни гапга улаб кетди. — Қолдибекнинг сурувига бориб келай, деяётганди чоғи. Кеча Ўрозали келганди, қўйлар потирлаб туғиб турибди, улгуролмаяпмиз деганди. Ҳа, қўноқ болаларим, ҳозир чўпоннинг куни туққан, уйига барака кирган пайт. Эгизи кам бўлсаям туғилаётган қўзилари дуркун-дуркун. Ёруғ, тўкин-сочин кунларга юз тутилаётган нишона бу, болам. Илоё парвардигорнинг ўзи бандасидан яхшилигини дариғ тутмасин...

Отахон айтганидек, чўпон-чўлиқнинг қўли юмушдан ортмайдиган, ҳар ким ўз овули, ўз дарди билан бўлиб кетган пайт ҳозир. Қўзи ерга тушиши билан борди-келдилар, бир-бировни йўқлашлар ҳам ҳисоби билан бўлиб қолади. Ҳамманинг дарди-фикри қишдан омон-эсон олиб чиққан молини ердан чиққан кўкка ёйиб-яйратиб, бутун яйловни тутиб кетган қўй-қўзиларни бехато сақлаб қолиш. Мана шундай қийинқистовли кунларда кимнинг район ёки совхоз марказида қариндоши бўлса, бор ишини йиғиштириб қўйиб туғишгани ёнига — яйловга ҳашарга келади. Совлиғу қўзиларни йигирма-ўттизталаб бўлиб олиб, алоҳида-алоҳида яйловга ёйдилар. Бўғоз совлиқлар ҳам қўраларга қамалади, уларни ем бериб боқишади. Бунинг устига терига ажратилган эркак қўзиларни сўйиб-саранжомлашнинг ўзи бир олам иш. Хуллас, эл тинса тинади, қуш тинса тинадики, аммо чўпон-чўлиқлар бир ой-бир ярим ой давомида сира тиним билмайди.

Қолдибек Сиддиқовнинг отари Қинир билан Белтоғнинг оралиғидаги кафтдек текис чўлда эди. Қолдибек Томдидан келган уч-тўрт қариндоши билан ҳай-ҳайлашиб, сурув бўлишаётганди. Ҳаммаёқни қўй-қўзиларнинг бағ-буғи босиб кетган. Совлиқлари деярли қўзилаб бўлган. Жахсилиқ ҳам ,шу ерда экан. Деворлари шох-шаббали қўтонга кираверишда қовоқларини уйганича Ўрозалининг аччиқ-араз гапларни эшитаётган экан. Узоқ-юлиқ гапларнинг бир чимдимигина қулоғимизга кирди:

— Ферма бўлсанг ем топтириб бер, бир кафтдан бўлсаям манави жониворларга берайлик. Ахир бечора совлиқларнинг туғунича ич-эти узилиб кетдику!

— Ем-ем дейсанлар, қани айт, қаёқдан топай ўша емни? — Жахсилиқ хуноби ошиб дерди. — Ўзимнинг сурувим ҳам икки кун бўлди емсиз қолганига. Сўнг бизларга, тўғрироғи ҳамроҳимиз Серик Сангариевга кўзи тушиб қолди-да, бармоғини бигиз қилиб кўрсатди. — Нима дардинг бўлса, ана, анави Серикка айт. Кимсан, директорнинг ўринбосари, партком. Сўзи ўтади идорадаги одамларга.

Серик гаппинг нима ҳақда бораётганлигини тушуниб, улар билан кўришиб чиқди-да:

— Жуда бўлмаса меҳмонларнинг олдида шайтонга ҳайр берларинг. Овозларинг нақ Қинирдан эшитилаяпти-я, — деди, сўнг жиддий қилиб қўшиб қўйди. — Хотиржам бўлинглар, ем бор, ташиб келишяпти. Кеча фермаларга тақсимлаб чиққандик. Ҳали замон машинада келтириб қолишади. Бўлдими?

— Ўй-баёй, айланайин чироғим, мана бу гап парткомнинг гапи бўлди-ку, — Ўрозалининг юзи ёришиб кетди. — Туғириқлик сурув ем емаса бўлмайди-да ахир. — Сўнг бош чўпон бўлиб ишлаётган Қолдибекдан суюнчи олгани югуриб кетди.

— Чўл кишисининг юрагида ғубор бўлмайди. Сирасини айтганда, фермадаги энг яхши чўпонларимиздан бири шу, — қисиқ кўзларини янада қисиб, унинг ортидан қараб қоларкан, Жахсилиқ мамнун жилмайди. — 638 бош қўйни омон-эсон қўзилатиб олишнинг ўзи бўладими. Бир ойда сурувига яна бир сурув қўшиб улгурди бу хумпар. Ўттиз саккиз йилдан бери чўпонлик қилади. Ўн икки йил бўлди ўғлига таёғини топширганига. Бундан буён набираларимга бува бўлиб юраман, деганди. Бекорчиликни юрагига сиғдиролмай, бир ойдан кейиноқ, ўғлимга оддий чўпон қилиб юборинглар, деб туриб олди. Мана энди Қолдибек бош чўпон, Ўрозали унинг ёрдамчиси. Ўғилқизлари, беш набираси ҳам шу ерда. Ҳар бири ойига 1200—1300 сўмдан маош оляпти. Асли ўзларининг ҳам ярим сурув шахсий қўйлари бор. Ҳаммасини режани бажаргани учун совхоздан қўзилигида мукофотга олишган.

Жахсилиққа фермага келишимиз сабабини айтдик. У «яхши-яхши» деб диққат билан эшитиб турди-да, сўнг «Нима гап бўлса йўл-йўлакай гаплашиб кетамиз. Ҳозир эса овулга борайлик. Белтоғда бўлмаганимга ҳам уч кун бўлди. Ҳойна-хой Кўчкингул бола-бақралари билан ана келар-мана келар деб кутиб ўтиргандир», деди.

Кўчкингул Жахсилиқнинг умр йўлдоши, ўн икки фарзанд онаси, Қаҳрамон она. Қизларини турмушга бериб, катта ўғилларини уйлантириб, ўзидан тиниб-тинчиб қолган оиланинг бекаси. Жахсилиқ фермага мудир этиб тайинланиб, 550 бошли сурувни кимга ташлаб кетишни билмай боши қотиб турганида Кўчкингулдан чиққан маслаҳат айни муддао бўлганди.

— Сиз бораверинг, отаси. Болалар ҳам катта бўлиб қолишди. Қўй боқиш қийин эмас, сурувни ўзимиз эплаймиз, — деди у.

Қўйчивонлиқ Балимановларга шу ердаги барча чўпонлар сингари ота-боболардан мерос касб. Аммо улар орасида ҳеч ким Жабай отачалик шу касбдан иззат-ҳурмат кўрмаган. Ота Томдининг тарихида биринчи бўлиб икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлди, биринчи бўлиб кўкрагига иккита Олтин юлдуз тақди. Аммо, обрўси ошиб, ўрни райондаги оқсоқоллар даврасида бўлгани, ҳамиша уни иззат-икром билан тўрга чиқаришгани билан туриш-турмуши ўзгаргани йўқ. Аксинча, қанчалиқ юксакликка кўтарилгани сари овулдошларига шунчалик кўп қайишадиган бўлди. Ҳамон ўша-ўша, қўлидан чўпон таёғию, эгнидан қўсқи пўстини тушмади. Белтоғнинг этагида қўй боқиб тирикчилик қилишда давом этаверди.

Жахсилиқ ёшлигида отасининг бундай иззат-ҳурматга сазовор бўлгани сабабини тушунолмай юрарди. Бошқалар қатори қўй боқиб юрибдию, қандай қилиб ҳар йили битта сурувига яна бир янги сурув қўшишга эришяпти? Туну-кун отарнинг кетида юриб, элнинг бунчалик эътиборига сазовор бўляпти? Йигит шуларни ўйлаб ўйининг охирига етолмасди. У фақат бир нарсанигина яхши биларди: отаси мол деса жонини беради, бошқалардан кўпроқ меҳнат қилади, куну-тун тинмайди, қишда муз, ёзда қизиган қум чангаллаб, ўзи, оиласи оч қолса қоладики, аммо қўйларини асло очиқтириб қўймайди. Унинг яна бир хусусияти — қаерда зотли сур қўй-қўзи, қўчқор кўрса, отини, молини сотса сотардики, албатта ана шуни етаклаб келиб, сурувига қўшарди. Яхши мол сурувни янгилайди, дерди у. Жахсилиққа отадан қолган мерос — совхознинг ана шу 600 бошга яқин қўйи ҳаммаси сур эканлиги сабаби ҳам ана шундан эди.

...Олис-олисларда қордай оқариб юксакликларга бўй чўзган Оқтоғ билан қора-қизил рангли, қуёш нуридан оловдек ярқираётган Қоратоғ ўртасида ҳудди йўрға отга урилган эгардай ялтираб ётган Белтоғнинг ялпоқи чўққилари кўринди.

— Етиб ҳам қолдик, чироғим, — Жахсилиқнинг кўзлари аллақандай меҳр ва алангали ҳис билан товланди. — Биласизми, бир кун кўрмасам мана шу ўзим туғилиб ўсган тоғ этакларини, унинг ўнғир ва довонларини соғиниб қоламан.

— Яйловнинг қиммати қўй боқишга қулайлиги билан ўлчанганидек, Белтоғнинг қиммати бу ерларда қўйнинг жони бўлган жусан билан филғаннинг сероблигида, — тушунтирди Серик Сангариев. — Қўйнинг баракаси Белтоғ бўлгандан кейин кўплар яхши яйлов излаганда келиб тиқиладиган ери ҳам шу тоғнинг этаклари бўлади. Жабай ота ҳам мана шу ерларда қўй боқиб умрини ўтказди. Шу ерларда қўшақўша Қаҳрамон бўлди. Болалари ҳам шу ерда темирқанот бўлиб, олис-олис яйловларга жўнаб кетишди.

Серик мана шуларни айтар экан, ўзи билиб-билмайми суҳбатнинг жиловини яна Жабай отага буриб юборди.

— Жахсеке, оқсоқол сизларга чўпонлик таёғини бераётгандаги ўгитларини айтингчи, — деди-да ўзи қўшимча қилди. — Шу воқеага атаб оқсоқол Белтоғдаги овулида яқин-атрофдаги чўпон-чўлиқларни чорлаб катта тўй берганди.

— Э, чироғим, нимасини айтасан, кўкемизнинг ўша ўгитларини бир умр қулоғимизга қуйиб олганмиз. Ана ўша гапларига амал қилиб, сира кам бўлганимиз йўқ, — шундай деб Жахсилиқ ҳикоя қила бошлади.

...Тўй охирида Жабай ота болалари, келинлари, набираларини атрофига тўплаб уларга ўзининг охирги ўгитини берганди.

— Бўталарим, бугун мен сизларнинг темирқанот бўлганингизни кўриб, беҳад қувондим. Бир вақтлар боболарингиз ҳам бизларни ҳудди шу ерда тўплаб оқ фотиҳа берганди. Умр деган қарчиғайдек тез учаркан. Ҳа-ҳу дегунча йиллар ўтиб, ўз болаларим ҳам отасидан фотиҳа кутиб термулиб туришибди. Шу кунгача ҳаммангиз кўкеларингга суяниб яшагандинглар. Энди эса узоқ-яқин яйловларга кўчиб ўз кунларингни ўзларинг кўрасанлар. Аммо кўчиш олдидан сизларга айтар сўзим бор. Бир пайтлар отамдан эшитган ва ҳозиргача ўзим амал қилиб келаётган ўгитларимни мерос қилиб ташлаб кетмоқчиман. Сизлар ҳам шунга амал қилсанглар, сира янглишмайсизлар. Биринчи айтадиган гапим шуки, асло элдан ажралманглар, чунки элдан ажраган бўрига ем бўлади. Иккинчи гапим-улуғ оқинимиз Абайнинг отаси Қунонбойга айтган гапларини эсларингга солсам девдим: эл бир замонларда қўйга ўхшарди. Битта чўпон бир қўра қўйни «ҳайт» деса турғазиб, «ҳайт» деса ётқизарди. Эндиликда эл туяга ўхшаб қолди. Олдига тош отиб, «шоқ» деса қараб туради-да, сўнг бурилади. Мана ҳозирги эл аввалги мутеълик, ночорлик, мўминлик ҳолатидан чиқиб, кўзини очиб келаяпти. Эндиги эл отга ўхшайди. Қаҳратон бўронда ҳам, ёғин-яшинда ҳам кўпчилик нима кўрса, шунга чидайдиган жонни фидо қиладиган, қор тўшаб, муз ястанадиган, барини тўшак, енгини ёстиқ қиладиган одамга эргашади. Жони ачиб, эзгулик излайдиган кишигагина бўйсунади.. Оқиннинг бу ибратли гапларни айтганидан бери кўп йиллар ўтган бўлсада, мағзи айнимай, бутунлигича келяпти. Ҳудди шу кун, шу соатни кўзлаб айтгандек. Менинг ҳам сизларга насиҳатим шуки, эл билан бирга яшаб, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам кўпчилик билан бирга бўлинглар, болаларим...

Жахсилиқ узоқ сукутга чўмди. Ҳамма ўз хаёли билан келарди. Қари билганни пари билмайди, деган гап бор халқимизда. Жабай ота Балиманов фарзандларига насиҳат гапларини айтаётганда ҳудди мана шу ҳозирги кунни кўзлаб маслаҳат солгандай туюлди назаримда. Ҳа, халқ ўзгаряпти, эл узоқ йиллар давом этган мутелик, ночорлик, мўминлик ҳолатидан чиқиб кўзини очиб келяпти. Энди у бир замонларда бўлганидек буйруқларга эмас, ўзининг куни, ҳаёти билан яшаётган кишиларнинг оқил сўзларигагина қулоқ солади. Кимки элни деб жонини фидо қилса, халқнинг юмушига елка тутса ана шунинг ортидан боради.

— Биласизми, чироғим, — Жахсилиқ ўйчанлик билан деди, — ҳозирги замонимиз, Халқ демократик партиямиз ҳудди отам айтганларидек элпарвар, халқпарвар бўлгани сабабли ҳам мен хўжалигимизда биринчи бўлиб мана шу партиянга аъзо бўлиб кирдим. Менгина эмас, совхозда халқнинг юмуши деб бутун борлиғини бахшида этишга ҳозир турган кимки бўлса ана шулар — ҳаммамиз маслакдошмиз.

...Узоқ-узоқлардан Белтоғнинг ям-яшил кафтига қўнгандек, кичик бир овул кўзга ташланди. Бу — ҳозирги совхоз унинг номи билан аталган, Жабай Балиманов бутун умр яшаб ўтган, эндиликда Томдининг узоқ-яқин яйловларида қўй боқиб ота ишини давом эттираётган Балимановлар туғилиб ўсган, қадрдон овул эди...

Р. ТУРСУНОВ,
Т. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари.



СУРАТЛАРДА: [Юқорида] Белтоғ яйловларида, Пастда [чапда] бош чўпон Бибигул Молдабоева фарзандлари даврасида. Унгда: ота-бола чўпонлар — Ўрозали ва Қолдибек Сиддиқовлар.
Суратларни С. МАҲКАМОВ тасвирга туширган.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ЭНГ ЯХШИ РАМЗИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ КОНКУРСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. Конкурс мақсади ва вазифалари

Конкурс мақсади партия Низомининг 38-параграфига биноан Ўзбекистон ХДП рамзларини ишлаб чиқишдир.

Партия рамзлари байроқ, эмблема ва вимпелдан иборатдир.

Конкурснинг вазифаси партия рамзларини ишлаб чиқишга ижодкор зиёлилар, партия аъзолари ва партиясизларнинг кенг доирасини жалб этишдан, лойиҳаларнинг энг яхши вариантларини танлаб олишдан ва умумпартия муҳокамасига қўйишдан иборатдир.

2. Конкурс ўтказиш тартиби

Конкурс 1 майдан 20 июлга қадар босқичма-босқич ўтказилади.

Конкурснинг биринчи босқичида — 1 майдан 1 июлгача — тайёр ишлар кўриб чиқиш, конкурсга қўйиладиган ишларга нисбатан қўйиладиган талабларга мувофиқ эканми-йўқлигига баҳо бериш, дастлабки танловдан ўтказиш учун қабул қилиб олинади.

Биринчи босқич якунлари асосида конкурс комиссияси биринчи танловдан ўтган ишларни 1 июлдан 20 июлга қадар бўлган муддат ичида жамоатчилик муҳокамасига қўяди ва бунда конкурсга қўйилган энг яхши ишлар юзасидан жамоатчилик томонидан билдирилган хилма хил фикр-мулоҳазаларни билишга ёрдам берувчи республика партия матбуотидан, таклиф қилинган лойиҳалар кўргазмасидан ва бошқа тарғибот шаклларидан фойдаланади.

Иккинчи босқичда, жамоатчилик томонидан баҳо берилиши асосида танлаб олинган ишлар барча вилоят кенгашларига юборилади. У ерда умумпартиявий муҳокамадан ўтказилади. Муҳокама якунларининг материаллари конкурс комиссиясига юборилади.

Охирги иккинчи босқич якунлари конкурс комиссиясига кўриб чиқиш учун топширилади, комиссия иккита энг яхши ишни танлаб олиб, уларни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмига кўриб чиқиш учун топширади.

3. Конкурс иштирокчилари ва конкурсга таклиф қилинган ишларга нисбатан қўйиладиган талаблар

Конкурсда айрим шахслар ҳам, ижодий коллективлар ҳам, Ўзбекистон ХДП аъзолари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек, республика ташқарисида яшовчи партиясизлар ҳам иштирок этишлари мумкин.

Конкурс иштирокчилари конкурс комиссиясига Ўзбекистон ХДП эмблемаси бўйича ўз таклифларини киритадилар ва бу эмблема аъзолик значоги ҳамда «Ўзбекистон ХДП Фахрийси» нишонига асос бўлади. Улар шунингдек, партия байроғи ҳамда вимпелининг вариантларини ҳам таклиф қиладилар.

Комиссияга юбориладиган материалларда муаллифларнинг исми, фамилияси, адреси ёки телефон номери кўрсатилади, уларнинг имзолари бўлади.

Конкурсга юбориладиган ишлар рангли эскиз вариантида ўлчовлари кўрсатилган ҳолда, шунингдек, табиий катталигида ишланган намунаси ҳолида юборилади.

Ўзбекистон ХДП рамзларининг лойиҳаларига қўйиладиган асосий талаб уларнинг партия номига мос бўлиши, унинг дастурий мақсадлари ва вазифаларини акс эттириши керак.

Лойиҳа муаллифлари партия рамзларининг намуналари ва эскизларидан ташқари яна муаллиф фикрини очиб берувчи текст материалини ҳам юборадилар.

Конкурсга қўйиладиган ишлар қуйидаги адресга юборилади: Тошкент шаҳри, 700029, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 9.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, «Конкурсга», Конкурсда иштирок этиш юзасидан маълумотлар 33-02-52 телефони орқали берилади.

4. Конкурс ғолибларини мукофотлаш

Конкурс ғолибларини рағбатлантириш учун иккита мукофот белгиланади.

Конкурсда энг яхши деб топилган иш учун 2000 сўм миқдорида мукофот берилади.

Иккинчи ўринни олган иш Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг беш юз сўм миқдоридаги мукофоти билан рағбатлантирилади.

Ўзига хослиги, бадиий ва оддий ижро этилганлиги билан ажралиб турган ишлар махсус дипломлар билан тақдирланади.

4, душанба

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Алдар кўса». Мультфильм. 18.15 «Ёшлик». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Яхшидан боғ қолади...» 19.45 ИИВ матбуот маркази хабар қилади. 20.00 «Тилга эътибор». 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Жигаристонлик жигарбандлар». Видеофильм. 21.40 «Саҳна ва саҳна ортидан». 22.40 «Марияга аталган олмослар». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

18.30 Болалар учун. «Совға». 19.00 «Ассалому алайкум». 20.00 «Лаҳза». 20.10 «Билиб қўйган яхши». 20.25 «Ҳамшаҳарлар». 21.25 «Шарқ дурдоналари». 22.15 «Лаҳза».

● «ОРБИТА IV»

7.00 «Флёновода фольклор байрами». 7.30 «Шамимни қабул қил». 8.00 Мультфильмлар. 18.40 «Бумеранг». 9.10 «Циркни ҳамма севади». 9.55 «Европа плюс». 10.40 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Мария, Мирабелла Транзисториядан». Болалар учун бадиий фильм. 11.50 «Номаълум Тарасова». 12.35 Мультфильм. 12.50 Янгиликлар. 13.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». 14.40 «Даврани кенгроқ олинг». 16.25 «Нима учун?». 17.20 Концерт. 17.30 «Тасвирдаги суврат». 18.05 «Янгроқ «Галеон». Бадиий фильм. 19.05 Е. Образцова концерти. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Россия—Канада терма командалари. 2 ва 3-даврлар. 22.00 Катталар учун мультфильм. 22.10 Супер модель-92». 23.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.20 «Сиз яратган боғ». 8.50 Фольклор. «Номаълум маданиятлар». 9.35 «Эртак ҳақида эртак». Болалар учун бадиий фильм. 10.05 «Ўз ишининг усталари». «Скрипкачи» видиофильмининг премьераси. 11.00 «Севги афсоналари». 11.50 Мультфильм. 12.00 «Ҳужжатли панорама». 12.55 «Тез ўтаётган август». Бадиий фильм. 14.20 «Бруно Бауэр энг охирида кетади». 15.00 Театр сафари. 15.45 «Бугунги Буюк Британия». 16.25 «Россия билан юзма-юз». 16.40 Садовое кольцо бўйлаб енгил атлетика эстафетаси. 16.55 Эълонлар. 17.00 Хабарлар. 17.20 «Цирк томошалари». 17.45 «Рэй Чарльз. Мусиқада 50 йил». 18.55 Спорт хабарлари. 19.10 «Ҳужжатли панорама». «Оқим». Ҳужжатли фильм. 19.30 «Ҳар бир кун байрам». 19.40 «Санта-Барбара». 20.55 Эълонлар. 21.00 Хабарлар. 21,25 «Бешинчи ғилдирак». 22.20 Санкт-Петербург балети.

5, сешанба

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон». 7.25 «Меҳрим туфайли». 8.05 «Севгим менинг — андуҳим менинг». Бадиий фильм (Туркия — «Мосфильм» маҳсулоти). 9.35 «Ўзбекистон» Телевизион киножурнал. 9.55 Ўзбек тилини ўрганамиз. 10.25 «Ёшлик».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Бир том остида». Мультфильм. 18.25 «Кичкинтой» устахонаси. 18.55 «Спортлото». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Халқ фаровонлиги йўлида». 19.45 М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси «Зарафшон» ашула ва рақс дастасининг концерти. 20.30 «Ўзбекистон» 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Ҳукумат тадбирлари». 21.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» 22.30 «Хато қилишга ҳаққинг йўқ». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

10.30 ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ

18.30 Л. Делиб. «Коппелия» Ўзбекистон хореографик билим юрти ўқувчиларининг спектакли. 2-3 кўринишлар. 19.40 «Бизнинг интервью». 20.00 «Бу оқшомда». 21.30 Кинонигоҳ.

● «ОРБИТА IV»

5.00 «Тонг». 7.35 Мультфильмлар. 8.10 «Эспаньола» ансамбли чалади. 8.30 «Янгроқ «Галеон». Бадиий фильм. 9.35 Россияда хор қўшиқлари. 10.15 «Жигарбандингга яхшилик қил». Телефильм. 11.00 Янгиликлар. 11.25 «Инсон институти». 12.05 Ритмик гимнастика. 12.35 «Фермата». Ахборот-мусиқий кўрсатув. 13.05 «Атайлаб». Мультфильм. 13.15 «Параолимпия ўйинлари-92». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар. 14.25 «Нафақат спорт. Н. П. Старостин». 14.45 «Аэропортдаги воқеа». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 16.05 «Болалар мусиқий клуби». 16.45 «ХХ аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарафонига. 17.00 Янгиликлар. 17.25 «НЭП». 17.55 Футбол шарҳи. 18.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Самодаги тўқнашув». Бадиий фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 Концерт. 20.40 «Янги студия» таништиради: «Матбуот клуби». Танаффус пайтида—23.00 Янгиликлар.

● ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 «Тилла шпора». 8.05 Француз тили. 8.35 Ишдан бўш пайтингизда. 8.50 Француз тили. 9.20 Болалар соати. 10.20 «Сиз яратган боғ». 10.50 Мансаб алифбоси. 11.05 «Пилигрим». 11.50 «Санта-Барбара». 12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 15.15 Янгиликлар. 15.30 «Болалик орзулари. 15.50 «Рост» студияси. 16.20 Телефильм. 16.30 «Простор+». 17.00 Хабарлар. 17.20 Эълонлар. 17.25 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.40 Трансросэфир. «Ҳаракатдаги модель-1». 18.25 Криминал хабарлар. 18.40 «Губернатор». Россия Федерацияси халқ депутати Б. Ненцов ҳақида очерк. 19.10 Ҳужжатли фильм. 19.20 «Ҳар бир кун байрам». 19.30 «Санта-Барбара». 20.35 РИА ТВ ва Россия телевидениеси таништиради: «Уикенд Сингапурда». 20.55 Эълонлар. 21.00 Хабарлар. 21.20 Эълонлар. 21.25 РИА ТВ ва Россия телевидениеси таништиради: «Кўзгулар» ахборот аналитик программаси. 21.55 Спорт олами «Жиллетт» нигоҳи билан. 22.25 «Ишчан чопар». 22.40 РИА ТВ ва Россия телевидениеси таништиради: «Жамоатчилик фикри». 22.50 Теннис шарҳи. Тай-брек. 23.15 М. Волошин ва Коктебель. 23.25 «Табассум қил». Эстрада концерти.

6, чоршанба

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон». 7.25 «Қалбим наволари». Насиба Абдуллаева куйлайди. 7.55 «Эркакли уй». Бадиий фильм. 9.20 Араб тили. 9.50 «Ёшлик». 10.30 «Мактабгача тарбия масалалари».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Дўстлар». Мультфильм. 18.25 Тижорат канали: «Нурота яйловларида». 19.00 «Ўзбекистон» 19.20 Рустам Ғоипов концерти. 20.10 «Бозор иқтисодиёти йўлида». 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Хотира». 22.20 «Сўлим мавсум». Бадиий фильм.

●ЎзТВ II

18.30 «Уолт Дисней таништиради». 19.20 «Спринт». 19.40 «Санъат олами». 20.30 Гитара оҳанглари. 20.45 «Ишбилармонлар». 21.30 «Капитанга турмушга чиқ». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.00 «Тонг». 7.35 Мультфильмлар. 8.20 «Болалар мусиқий клуби». 9.00 Самодаги тўқнашув». Бадиий фильм. 10.15 Футбол шарҳи. 10.45 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?». 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Пи» белгиси билан. 12.10 Футбол. Уэмбли йўлида. 13.10 «Ён дафтар». 13.15 «Телемикст». 14.00 Янгиликлар. 14.20 «Бугун ва ўша пайтларда». 14.50 «Аэропортдаги воқеа». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 16.05 «Рок-макс». «Необворт-90». 17.00 Янгиликлар. 17.25 «Максима». 17.55 Мультфильм. 18.00 Режиссёр Г. Чухрай фильмлар. «Тиниқ осмон». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.40 «Театр плюс ТВ». 21.45 «Фермата». Ахборот-мусиқий кўрсатуви. 22.15 «Мавзу». 23.00 Янгиликлар. 23.25 Спорт кўрсатуви.

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 «Вариацияли мавзу». 8.05 Немис тили. 8.35 Ишдан бўш пайтингизда. 8.50 Немис тили. 9.20 «Рост» студияси. 9.50 «Эртак ҳақида эртак». Болалар учун бадиий фильм. 10.20 «Губернатор». 10.50 Эстрада концерти. 11.50 «Санта-Барбара». 12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 15.00 Янгиликлар. 15.15 «Мансаб алифбоси». 15.30 «Вариацияли мавзу». 16.15 Христианлар учун кўрсатув. 16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.00 Хабарлар. 17.20 Эълонлар. 17.20 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ». 18.10 «Версия». 18.25 Парламент хабарномаси. 18.40 «Нетабене» студияси. 19.20 «Ҳар бир кун байрам». 19.30 «Санта-Барбара». 20.20 «Репортёр». Телефильм. 20.50 Спорт хабарлари. 20.55 Эълонлар.

7, пайшанба

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» 7.25 «Рақс жозибаси». Дилором Шукуржонова. 8.00 «Ёшлик» студияси ва Афғон урушида қатнашган фахрийлар Иттифоқи ҳамкорлигида «Уруш фахрийлари — тинчлик учун». мавзуида телемарафон.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Саҳий эртак». Мультфильм. 18.25 «Шоирлар — болаларга». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Алифбо сабоқлари». 19.55 «Иқтисод ва истиқлол». 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 Тижорат хабарлари 21.00 «Ҳукумат тадбирлари» 21.30 «Санъат — дўстликка чорлайди». 22.25 «Аршин мол-олон».

● ЎзТВ II

10.30 ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ

18.30 «ХХ аср солдатлари урушга қарши». 19.20 «Дўстлар даврасида». 20.00 «Пульс». 20.10 «Бу оқшомда». 21.40 «Пульс». 21.50 Кинонигоҳ.

● ОРБИТА IV»

5.00 «Тонг». 7.35 Концерт. 8.15 Мультфильмлар. 8.40 С. Прокофьев. «Ромео ва Джульетта ҳақида қисса». Балет премьераси. 10.40 Янгиликлар. 11.00 «ХХ аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарафони. (Танаффус пайтларида — 14.00, 16.00 — Янгиликлар). 18.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Пани Мария». Бадиий фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 «ХХ аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарафонининг давоми. 23.00 Янгиликлар. 23.40 «ХХ аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарафонининг давоми. 01.00 Бильярд. Европа чемпионати. 01.30 «Оҳангли йўлка».

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 «Мансаб алифбоси». 7.35 «К-2» таништиради. «Экранда—Америка». 8.05 Испан тили. 8.35 Ишдан бўш пайтингизда. 8.50 Испан тили. 9.20 «Вериацияли мавзу». 10.05 Россиянинг телевизион театри. 11.20 Педагогика ҳамма учун. 11.50 «Санта-Барбара». 12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 14.55 Янгиликлар. 15.10 «Телеассамблея». 15.50 «Ҳужжатли панорама». 16.10 «Менеджерлар мактаби». 16.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви 16.55 Эълонлар. 17.00 Хабарлар. 17.20 Эълонлар. 17.25 «Жаноблар-ўртоқлар». 17.40 «Россия ва дунё». 18.15 «Хроно». 18.50 «Ҳар бир кун байрам». 19.00 Бешинчи ғилдирак». 20.00 ХХ аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарафони. 21.00 Хабарлар. 21.20 Эълонлар.

8, жума

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон». 7.25 «Қувонч». 7.50 «Аэлита, эркакларга суйкалма». Бадиий фильм. 9.15 «Ёшлик». 10.00 Турк тили.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Булутли йўлкаларда сайр», «Фил учун совға». Мультфильм. 18.15 «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Дала юмушлари». 19.40 «Ўзанини топар дарёлар» Адабий-публицистик кўрсатув 20.30 «Туркистон» ахборот. 21.00 «Ҳукумат тадбирлари». 21.30 «Дил номалари». Мусиқий кўрсатув. 22.30 «Беларус вокзали». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

7.00 Мультфильмлар. 7.40 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви. 8.10 «Ғолиблар». 9.10 «Янгра гармонь». Новосибирскдан кўрсатилади. 9.40 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 10.55 Городки спорти. Улуғ Ватан уруши фахрийларининг ғалаба кунига бағишланган мусобақалари. 11.25 «Ҳайвонот оламида». 12.05 «Виктор Астафьев билан уч учрашув». 2-кўрсатув — «Уруш». 12.55 Янгиликлар. 13.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». 14.00 «Виктория». Солдат қўшиқлари фестивали. 16.15 «Кечки альбом». 16.45 «Сеҳрли тош қўшиғи». Мультфильм. 17.00 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Ярим финал. 1-давр. 17.50 Фашизмга қарши курашларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси. Бир дақиқалик сукунат. 18.20 Хоккей. Жаҳон чемпионати Ярим финал. 2 ва 3-даврлар. Чехо-Словакиядан олиб кўрсатилади. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.50 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Ярим финал Чехо-Словакиядан олиб кўрсатилади. 23.00 Янгиликлар. 23.40 Ойнаи жаҳонда биринчи марта, Женя, Женичка ва «Катюша». Бадиий фильм

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 Ҳужжатли панорама. 7.50 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи. 8.20 Мультипульти. «Винни Пух ва ҳамма, ҳамма, ҳаммаси...». 9.00 «03». 9.30 «Ҳужжатли панорама» 10.00 «Плюс ўн бир» видеоканали. 11.15 Такрорий фильмлар кинотеатри. «Икки жангчи». Бадиий фильм.

* * *

12.35 — 14.30 Ўзбекистон телевидениесининг «Дўстлик» видеоканали

* * *

14.30 Тинчлик ғалабаси паради. 16.30 Мусаввир В. И. Шевченко ҳақида кўрсатув. 16.55 Эълонлар. 17.00 Хабарлар. 17.30 Фашизмга қарши курашларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси. Бир дақиқалик сукунат. 17.45 «Фортуна» телеканали. О. Бородина ва Д. Хворостовский 18.25 «Пилигрим». 19.10 «Ҳар бир кун байрам». 19.20 «Ретро» студияси. Мусиқий кўрсатув. Кўрсатувни ҳажвчи адиб Д. Иванов олиб боради. 20.00 Ғалаба кунига бағишланган байрам концерти. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 20.55 Эълонлар. 21.00 Хабарлар.

10, якшанба

● ЎзТВ I

7.00 «Субҳидам». 8.00 «Бирғаликда куйлаймиз». 8.30 «Атака». Бадиий фильм. 10.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Уйла, изла, топ?», 11.15 «Экология». Телеальманах. 11.55 «Ёшлик». 12.40 «Ёднома». 13.45 «Аёл ҳақида сўз».

18.00 Кичкинтой». 18.30 «Наврўз якунига бағишланган телевизион видеоканал. 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Наврўз» телевизион видеоканалининг давоми. 20.30 «Ўзбекистон». 21.00 «Наврўз» телевизион видеоканалининг давоми.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

6.00 Руҳни чиниқтириш. 7.00 Ритмик гимнастика. 7.30 «Спортлото» тиражи. 7.40 Мультфильмлар. 8.00 «Эрта саҳарлаб». 8.40 «Тонг юлдузи». 9.30 «Ота изи». Телефильм премьераси (Германия). 10.45 Ҳужжатли фильм. 10.55 Саёҳатчилар клуби». 11.45 «Кино ҳақиқатми?». «Урушдан сўнг кеч соат олтида». Бадиий фильм. 14.00 Янгиликлар. 14.20 «Панорама». 15.00 «Уолт Дисней таништиради...». 15.50 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 3-ўрин учун матч. Чехо-Словакиядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтларида — 16.40 Янгиликлар. 17.25 «Телелоция». 18.30 Л. Бетховеннинг «14 Ойдин» сонатасини Р. Керер ижро этади. 18.50 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Бортоломью» (Шотландия). 18.55 «Бенуа» рақс соврини. 21.00 «Якунлар». 21.50 Хоккей. Жаҳон чемпионати, Финал. Чехо-Словакиядан олиб кўрсатилади. 24.00 «Май ойи эди». Телевизион бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 Миллий баскетбол уюшмаси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича жаҳон чемпионати. 8.20 Дунё миқёсидаги синф. Москва—Нью-Йорк. телекўприги. 9.20 «Хоҳ ишонинг...». 9.50 «Суперкитоб». Мультфильм. 11-серия.

* * *

10.15 — 12.55 Ўзбекистон телевидениесининг «Дўстлик» видеоканали.

* * *

12.55 Кундузги сеанс. «Гўзал Василиса». Бадиий фильм. 14.25 «Ҳайвонот оламида». 15.25 «ТВ-совчи». 15.40 «Вариацияли мавзу» 16.00 «Маски-шоу». 16.30 «Афсунгарлар». 17.00 Хабарлар. 17.20 Эълонлар. 17.25 «Рок-кафе». 17.55 Футбол. МДҲ кубогининг финали. МАСК — «Спартак» (Москва). 19.50 «Ҳар бир кун байрам». 20.00 «XVIII аср рус ҳайкалтарошлиги портрети». 20.55 Эълонлар. 21.00 Хабарлар. 21.20 «Йўллардаги текширув». Бадиий фильм. 23.00 Евровидение қўшиқлар танлови. Швециядан кўрсатилади.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

4–10 май

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. Бешариқ алоқа тармоғи ходимлари аҳолига алоқа хизмати кўрсатишни яхши йўлга қўйишган. Ҳозир ушбу тармоққа қарашли 33 та алоқа бўлими қишлоқларда фаолият кўрсатяпти.

Алоқачилар ҳар ойда меҳнаткашлар хонадонига қарийб 1 миллиондан зиёд рўзнома ва ойномалар, хат-хабарлар, посилкалар етказиб беришяпти. Аҳолига телефон хизмати кўрсатиш ҳам яхшиланиб бормоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Тажрибали муҳандис, шаҳар кенгаши нойби А. Маматов. 2. Катта телефонистка Т. Ботиралиева. У 21 йилдан буён шу касбни эъзозлаб келяпти.

Суратлар: Т. МАҲКАМОВ.

МАДАНИЯТ МАСКАНЛАРИДА

САЙЛГОҲЛАР ЧОРЛАЙДИ

Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Май муносабати билан кўп жойлардан олинган таклифларга кўра Тошкентда ҳам қатор маданий ва оммавий тадбирлар ўтказиладиган бўлди.

Маданият ва истироҳат боғлари май ойининг дастлабки уч куни ғоятда гавжум бўлади.

ДЎСТЛИКНИ УЛУҒЛОВЧИ ТАДБИР

Алишер Навоий номидаги миллий боғда байрам кунлари бир неча тадбир ўтказилади. Кўл атрофидаги саҳналарда Ўзбекистон телерадио компаниясининг санъаткорлари концерт беришади. Тожик маданият маркази дўстликни улуғловчи тадбир ўтказади.

«МЕҲРЖОН» ҚУЧОҚ ОЧАДИ

Шаҳар марказидаги болалар боғининг номи ўзгарди. Жой номлари атамалари комиссияси унга «Меҳржон» деб ном берди. Илгари у М. Горький номи билан юритилган эди. Оромгоҳнинг янги номи халқимизнинг миллий урф-одатлари учун ғоятда қадрдон. Қадимда деҳқонлар ҳосил йиғиб-териб олиш палласини—«Меҳржон» байрамини ўтказиш билан шарафлашган. Бу боғда дам олувчилар учун катта сайл ўтказилади. Кар-соқовлар маданият саройининг «Ором» миллий дастаси дам олувчилар хизматида бўлади.

Улуғбек, Тельман, Бобур номли ва бошқа дам олиш масканлари ҳам байрам кунлари ўз ихлосмандлари билан файзли бўлади.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ХИЗМАТИ

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши ходимлари пойтахт корхоналарининг ишчи ва хизматчилари дам олиши мароқли бўлиши учун қатор тадбирларни ўз ичига олган режаларни ишлаб чиқишди.

Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг мингга яқин ишчи ва хизматчиси «Чиноз» ва «Кристалл» дам олиш уйларида ҳордиқ чиқаради. Корхонанинг шаҳардаги авиасозлар маданият саройи атрофида бўладиган катта сайлда жуда кўп одам қатнашади.

Тўқимачилик бирлашмасининг ишчи ва хизматчилари Хўжакент қишлоғига бориб ҳордиқ чиқаришади.

Бундан ташқари «Қизил тонг», «Совпластитал», «Агрегат», Ўрта Осиё электр аппаратлари, Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, Кабель ишлаб чиқариш бирлашмаларининг меҳнатчилари ҳам бу дам олиш тадбирларидан баҳраманд бўладилар. Улар пойтахт вилоятининг сўлим жойларидаги дам олиш масканларида ҳордиқ чиқаришади ва у жойларни ободонлаштириш ишида қатнашадилар.

А. ПУЛАТОВ.

ФУТБОЛ

ЯГОНА ПЕШҚАДАМ

● ОЛИЙ ЛИГА футбол жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг 8-тур ўйинлари ўтказилди.

Ўйиндан-ўйинга жамоалар мавқеи мустаҳкамланиб бормоқда. Бу сафар «Нурафшон футболчиларининг омадлари келди. Улар Олмалиқ кимёгарларини қабул қилиб, дарвозага учта жавобсиз тўп киритишди. Очколарини 11 тага етказган «Нурафшон» ягона пешқадам бўлиб олди. Биринчи ўринда бораётган «Темирйўлчи» билан учинчи ўринни эгаллаб турган «Наврўз» жамоалари учрашувида ҳисоб очилмай, томонлар биттадан очко йўқотишди. Шундай қилиб, «Темирйўлчи», «Наврўз», «Сўғдиёна», «Навбаҳор» жамоаларида 10 тадан очко тўпланди. Пахтакорчилар яна сусткашликка йўл қўйишди. Улар «Орол» майдонида дарвозаларидан битта тўп ўтказиб юбордилар.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

"ТОКИО БОЭКИ" ЛТД ФИРМАСИ (ТОКИО, ЯПОНИЯ) — ФАВҚУЛОДДА БЕБАҲО АГЕНТ

АЙНИ ПАЙТДА СИЗГА КЕРАГИ ШУ!

"KONICA U-BIX" нусха кўчириш машинаси

Ўзбекистон Республикасида кейинги 20 йил мобайнида кенг эътибор қозонди.

" KONICA U-BIX" 9028
РАҚАМЛИ ТЎЛИҚ РАНГЛИ НУСХА КЎЧИРИШ МАШИНАСИ



Унумдорликнинг ортиши катта ҳажмдаги ахборотга тезлик билан ишлов берилишини таъминлайди

Модели	Тезлиги минут/сахифа	Кўпайиши/камайиши (1 фоиздан орттириб бориш билан)	Ҳажми
5076	76	50-155 фоиз	А3 гача
4060AF	60	50-155 фоиз	А2 гача
5500	55	65-141 фоиз	А2 гача
4045	45	50-200 фоиз	А3 гача
3142	42	50-155 фоиз	А3 гача
3035	35	50-200 фоиз	А3 гача
3532	32	65-155 фоиз	А3 гача
2025	25	50-200 фоиз	А3 гача
1017	17	65-155 фоиз	А3 гача
1515	15	50-200 фоиз	А3 гача
1512	12	—	В4 гача
8028	28	50-400 фоиз (Рақамли кўп рангли нусха кўчириш машинаси)	А3 гача

Шунингдек, қуйидагиларни тавсия этамиз:

● Телефакс аппаратлари
KONICA FAX 150
KONICA FAX 285
KONICA FAX 300
KONICA FAX 500

● Тиббий диагностика қурилмалари.
Ихчам ультратовушли сканерлар.
U – 2000 қисмлар ва чизиқлар бўйлаб сканирлаш.
U – 1000 чизиқлар бўйлаб сканирлаш.
UF – 5000 ультратовушли диагностика аппарати
3. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УСКУНАЛАРИ
1) Кичик трактор (KUBOTA фирмаси, Япония).
2) Чалғи (KUBOTA, Япония).
3) Иссиқхона (SANYO, Япония).
4) Музхона.
4. МАИШИЙ АУДИО/ВИДЕО ТЕХНИКА
1) Маиший электр асбоблар: рангли телевизорлар, видеомагнитофонлар (жумладан, кассетали видеомагнитофонлар ҳам), музхоналар ва ҳоказолар.
2) Кассеталар.
3) Аудио ва видеокассеталар учун тасмали нусха кўчириш аппаратлари.
5. ИЛМИЙ ҚУРИЛМАЛАР ВА АСБОБЛАР
1) Электрон микроскоплар (ЖЕОЛ, Япония).
2) Оптик микроскоплар (Юнион оптикал, Япония).
3) Лаборатория асбоблари (Токио Рика, Япония).
4) Хроматограф (Шимазу, Япония).

"Токио Боэки" Лтд. фирмаси (Япония) "KONICA U-BIX" бўйича фавқулодда тенги йўқ, ягона агент ҳисобланади.
Истаган пайтда "Токио Боэки" Лтд. фирмасининг вакиллигига саволлар билан мурожаат этишингиз мумкин.

Москва шаҳри. Телефонлар:298-50-63, 298-50-24, 298-35-91. Тошкент шаҳри.Телефон 39-44-64. Жаноб А.Сатторовга.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Республика саломатлик маркази ва Республика илмий-тиббий ахборотлар бўлими жамоалари Республика илмий-тиббий ахборотлар бўлимининг раҳбари Э. П. Азизовга отаси

Полвон Бобоевич АЗИЗОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни жамоаси концернинг кекса ходими, хизмат кўрсатган маданият ходими, Меҳнат Қизил байроқ ордени нишондори

Қўчқор Облоқулович ХУДОЙҚУЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат дорилфунуни ректорати, тарих куллиёти маъмурияти ва жамоатчилиги шу куллиёт «Снёсий партиялар тарихи» кафедрасининг профессори, тарих фанлари доктори

Тўра Собирович САИДҚУЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Рассомлар уюшмаси бошқаруви жамоаси ССЖИ халқ рассоми, профессор, ССЖИ Бадиий Академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Рассомлар уюшмаси бошқарувининг Президенти Р. А. Аҳмедовга рафиқаси

Каримахон Алиевна АҲМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳоз қилади.

• Хушнуд этувчи хабарлар

ФАХРИЙЛАР БОҒИ

● ХОРАЗМ вилоятидаги 8200 нафарга яқин Улуғ Ватан уруши ҳамда 85 минг нафардан кўпроқ меҳнат фахрийси воҳа боғдорчилигини ривожлантиришдек хайрли ишларга қўл уриб, хордиқ чиқариш масканига асос солишди.

— Вилоятдаги дастлабки фахрийлар боғи Урганч ноҳиясидаги Чапаев номли жамоа хўжалигида пайдо бўлди, — деди вилоят фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари Отабой Йўлдошев мухбиримизга. — Ун беш гектарлик боғнинг бунёд этилишида хўжалик фахрийлари кенгашининг раиси К. Рўзибоев бош-қош бўлди. Бу йилдан нишона кутилаётган мевазорда ҳозирча фахрийларнинг ўзлари соҳибкорлик қилишмоқда.

Шунингдек, Хонқа ноҳиясидаги Охунбобоев ва Алишер Навоий номли, «Правда», Боғот ноҳиясидаги Нариманов номли, Янгиариқ ноҳиясидаги Аваз Ўтар ва Киров номли, «Коммунизм», Қўшкўпир районидаги Олтибой Курбонов номли, шунингдек, Шовот, Янгибозор, Гурлан ноҳияларидаги қатор жамоа хўжаликларида ҳам фахрийлар боғи барпо этилмоқда. Боғлар 15 — 20 гектарлик бўлиб, шинам ва яхши жиҳозланган шийпонга ҳам эга. Отахонлар шийпон олдидаги қулай сўриларда чойхўрлик қилишиб, ҳордиқ чиқаришади, гурунг қуриб ўтилган йиллар ва жангу жадал даврларни хотирлашади.

СУМАЛАК БАЙРАМИ

... Сумалак шунчаки халқ суйган таомгина эмас, балки, ризқ-рўз, мўл-кўлчилик рамзи ҳамдир. Яқинда Тошкент шаҳар Октябрь районининг Бешёғоч даҳасида жойлашган «Гулдаста» 567-болалар боғчасида шундай ҳуштаъм таом ҳаммага улашилди.

— Болаларимизга кичик ёшидан бошлаб миллий таомларимизни, урф-одатларимизни, мусиқа ва қўшиқларимизни ўргата боришимиз керак, — дейди боғча мудираси Мастура Йўлчиевна. — Шунинг учун сумалак тайёрлаш усулини кичкинтойларимизга амалда кўрсатиб бердик.

Боғчада камол топаётган 483 кичкинтой ўз мураббийлари ва пазанда опалари Меҳри Жуманиёзова, Ҳусния Ҳалилова, Муҳаббат Солиҳова, Дилноза Очилова, Феруза Қодировалар пиширган сумалакни татиб кўришди. Улар ижросидаги халқ лапарлари ва қўшиқларини эшитишди. Энди бу боғчада сумалак байрами анъанага айланиб қолади.

Д. ТОИРОВА,
А. ОРИПОВ.



Жаҳонгир Юсупов музикачилар оиласида туғилган. Шу сабабли бўлса керак у ёшлигиданоқ фортепиано чалишни ва қўшиқ айтишни ўзининг севимли машғулоти деб билади. У ҳозир Марғилондаги 23-мактабда таҳсил олмоқда.

ЧАПДАГИ СУРАТДА: Жаҳонгир Юсупов.

●

Ойбек Абдуллаев эса ўзининг бўш вақтларини ёғочга расм солиш билан ўтказади. У олти ёшлигидан бу машғулот билан шуғулланиб келмоқда. Мактабни битиргач, етук уста бўлиш унинг орзуси.

СУРАТДА: Ойбек Абдуллаев.
Суратларни Р. АЛЬБЕКОВ олган.

• Етимлар бошини силаб

ЯХШИЛИККА НИМА ЕТСИН

● МИРЗО УЛУҒБЕК номидаги Қамаши район болалар уйи гавжумлашди. Карнай-сурнай садолари янгради. Эрта тонгдан кўчаларни тўлдириб, кекса-ю ёш кела бошлади. Айниқса, болакайлар қувончи чексиз. Улар онасизликни бироз эсдан чиқаргандай.

Район ҳокимияти, ХДП район кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари ташаббуси билан болалар уйида уюштирилган суннат тўйи тантаналари ана шундай бошланди. Байрамга бағишлаб ўтказилган бу ҳайрли тадбирда ака-ука Шавкат ва Анвар Раҳимов, Ўткир ва Пармон Раҳмонов, Алишер Жўраев, Фахриддин Қодиров, туркман Сирожиддин Шабонов, озарбайжон Илҳом Илёсзода, татар Элдор Давлетшин кабилар суннат қилиниб, мусулмонлик удуми бажо келтирилди.

Дастурхонларга анвойи таомлар, ноз-неъматлар қўйилди. Санъаткорлар ҳам тўйга файз бағишлашди. Айниқса, «Бўстон» халқ ашула ва рақс дастаси, сурхондарёлик таниқли баҳши Шоберди Болтаев, вилоят филармонияси солисти Салоҳиддин Лутфуллаевларнинг чиқиши яхши таассурот қолдирди.

Райондаги кўпгина ташкилотлар ва саховатли кишилар тўйга етарли хайрия тақдим этдилар. 25 минг сўмдан зиёд тўёна тушди. Шодиёнада катта спорт беллашуви ҳам бўлди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ГУРУНГ

• СПОРТ

ДИЛТОРТАР ГЎШАЛАРДА

Бўш вақтни мароқли-мазмунли ўтказиш, дам олишни кўнгилли уюштириш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Баҳор байрами кунлари мириқиб дам олиш учун имкониятлар етарли бўлишига аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, кўнгилли спорт жамияти ҳамда спортнинг ҳарбий-техника тури бўйича мутасаддилари одамларни қизиқарли машғулотларга жалб этиш, дил тортар ўйинларда иштирок этишлари учун ўзига хос дастурни ишлаб чиқдилар.

Май байрами кунлари шаҳар ва қишлоқлардаги, қоласверса, жамоа хўжаликларининг спорт иншоотлари гавжум бўлиши кутилмоқда. Стадионлар, яшил майдонлар, сузиш ҳавзалари, югуриш йўлкалари фаол ҳаракат ишқибозлари билан банд бўлади. Спортнинг шарқона турларидан ҳисобланган каратэ ва тэквондо ҳамда миллий кураш беллашувлари ҳамда сузиш, гимнастика, велопойга ва мотопойга бўйича кўргазмали чиқишлар уюштирилади.

Тошкентдаги «Тўқимачи» спорт мажмуида ҳам қизиқарли тадбирларни уюштириш мўлжалланмоқда. Бу ерда 2—3 май кунлари «Биллур» спорт клуби мутасаддилари ташкил этган спорт байрамини томоша қилиш мумкин. Ўзига хос байрам сайили соат 10 да бошланади. Стадионда тўпланганлар моҳир спортчиларнинг чиқишларини, бадиий гимнастикачиларнинг нафосат баҳсини, велосипедчиларнинг пойгасини, югурувчиларнинг марра сари интилишини, авиамоделчилар маҳоратини томоша қиладилар.

Футбол ишқибозлари эса қизиқарли учрашувларнинг шоҳиди бўлишади. Боиси, аём кунлари Ўзбекистон кубоги учун 1/16 финал учрашувларининг такрорий ўйинлари ўтказилади. Маълумки, пахтакорчилар дастлабки учрашувни «Трактор» майдонида ўтказиб (1:2) имкониятни бой беришган эди. Улар ўз майдонларида ўтказиладиган баҳсда маҳорат кўрсатадилар, деб умид қиламиз. «Мароқанд» футболчилари ҳам ўз майдонларида «Нурафшонга» ютқазишган. Энди Бухорода бўладиган ўйинда самарқандликларнинг маҳорати кўп нарсага ойдинлик киритиши мумкин. Бундан ташқари «Наврўз» — «Бағдодчи», «Навбаҳор»—«Пахтачи» (Қ) учрашувларига ҳам кўпчилик қизиқмоқда. Ҳар қалай дам олиш кунлари муҳлису ишқибозлар кўнглини овлашга ҳаракат қилинади.

М. АНВАРОВ.

Самарқандда қизиқарли мусобақа ўтказилди. Майдонга тушган ноғирон футболчилар меҳр-шафқат ва саломатлик вилоят жамғармаси соврини учун курашдилар. Мусобақада Узбекистон, Украина ва Россия жамоалари қатнашди. Тошкентнинг «Матонат» клуби бош совринни қўлга киритди.

СУРАТДА: ғолиб команда капитани Аъзам Исматов.

Суратқаш Р. ҒОФУРОВ (ЎзА).



Баҳор байрамлари мароқли ва мазмунли уюштирилмоқда.

СУРАТДА: Абдумурод Эргашев бошчилигидаги дарбозлар.

Р. ҒОФУРОВ (ЎзА) олган сурат-лавҳа.

ИЛМНИНГ УЗУН ЙЎЛЛАРИ

● Бемор Деҳқонхўжаева қабулида бўлиб, керакли анализлар топширганида қонида ушбу касалликни қўзғатувчи замбуруғлар борлиги маълум бўлди. Олима кўрсатмаси билан қилинган даволанишдан сўнг бемор бутунлай тузалиб кетди.

Бу воқеадан кейин профессор Нозимахоним Деҳқонхўжаева кашфиётига қизиқишим янада ортди. Шу сабабли Нозимахоним Деҳқонхўжаева ҳузурига йўл олдим.

— «Деловой мир» рўзномаси илмий кашфиётингиз ҳақидаги мақолага «СПИДдан хатарли» деб ном қўйибди. Замбуруғли касаллик ҳақиқатан шунчалик хавфлими?

— СПИДдан хатарлилиги шундаки, СПИД икки йўл билан жимо ва шприц орқали бемордан соғлом одамга ўтса, «зааминилёз» (илмий номи) сигир сути, овқатдан, ҳаводан, она сутидан, киндик қонидан ўтади. Яна шунинг учун ҳам хатарлики, СПИД ҳақида бонг урилмоқда, унга қарши вакциналар, доридармонлар устида минглаб олимлар ишламоқда. Бу замбуруғли касалликка ҳам қарши вакцина ишлаб чиқилиши керак.

Замбуруғлар инсон қонида кўпайиб, барча оқ ва қизил қон таначаларини емириб тугатади. Натижада иммунодефицит, яъни организмнинг ҳимоя кучи, иммунитет танқислиги вужудга келади.

Унга қарши вакцина ишлаб чиқариш учун бизнинг на асбоб-ускунамиз, на шароитимиз бор.

— Бу касаллик асосан қандай белгиларга эга?

— Баъзан мутлақо кутилмаган кўринишда учрайди. Асосан, тери касаллиги, анемия, юз яра-чақалари, кўз касаллиги, тожсимон, жинсий аъзоларда, етмиш фоизи эса нафас ва ўпка йўлларида учраб, тана ташқи қисмида пайдо бўлгани жуда қаттиқ қичитиш билан кечади. Яна бир кўриниши борки, бунда бадандаги барча туклар тўкилиб кетади.

— Сизга келаётган беморлар ўзларининг айнан шу замбуруғли касаллик билан оғриганликларини қаёқдан биладилар?

— Бу касалликнинг етмиш фоизини нафас йўллари ва ўпка касаллигига чалинган беморлар ташкил қилади.

Ўзим шу ўн саккиз-йигирма йил давомида даволаган 7 минг бемордан бирортаси замбуруғли касаллик юққан деган ташхис билан келмаган. Лекин қўйилган ташхисларда нафас олиш аъзолари, тери, ички аъзолар, асаб системаси, мускуллар, суяк ва мияга оид касалликларнинг қирқ икки хили қайд этилган.

Масалан, бир ярим яшар бола бир йил ичида ўн саккиз марта касалхонага тушган, ташхиси — зотилжам. Бироқ белгиланган даволар ҳеч қандай натижа бермаган. Чунки, замбуруғли касаллик зотилжамга, зиқнафасга жуда ўхшайди. Фарқи шундаки, жуда тез қайталайди.

Замбуруғ нам ерда, айниқса, суғориладиган ерда урчийди, шамол билан тарқалади. Талабалар ҳам кўпинча пахтага бориб келгандан кейин шу касаллик билан оғрийдилар.

• Ибн Сино мадади

Нафас йўллари ва ўпкада учрайдиган замбуруғли касалликда беморларда, айниқса, болаларнинг етмиш фоизида жигар, қирқ фоизида қора жигар катталашади. Қонда лейкоцитлар нормадан паст бўлади.

— Сўнгги бир-икки йил аҳволи оғир беморни даволаганмисиз? Бирорта мисол келтирсангиз.

— А. Кураков. 40 ёшли ҳарбий киши (подполковник) округ ҳарбий клиник госпиталига бурцелёзнинг ўткир септик (қонга ўтиб кетиши) формаси деган ташхис билан тушган. Бироқ қўрилган даво-тадбирлар фойда қилмаган, бемор кундан-кун оғирлашган. Менга мурожаат қилишганларидан кейин, анализлардан маълум бўлдики, замбуруғли касаллик қонда урчиб, кучайиб кетган. Амфотерицин В препаратидан бемор қонига ўн марта қуйилган, унинг ҳолатида яхши томонга силжиш бўлди. Сўнг бемор бутунлай соғайиб кетди. В. Воскобойников, М. Черновалов, В. Наумовларда ҳам мазкур касаллик топилиб даволанди.

— Илгари фанга маълум бўлмаган бу касалликни даволаш жараёнида қандай дори-дармонлардан фойдаланасиз? Сизга уларни ким етказиб беради?

— Биз бу касалликни даволашда замбуруғли касалликнинг илгари фанга маълум бўлган турлари учун Америка, Бельгия каби чет элларда чиқарилган дорилардан фойдаланяпмиз. Агар ўзимиздаги шу касалликлар илмий маркази кенгайтирилиб, айнан мана шу замбуруғли касалликларга қарши дорилар ишлаб чиқишни йўлга қўйсак, даво натижалари ҳозиргидан юқори бўлар эди.

— Нозима опа, клиника саксон ўринли экан бу ерга жойлаша олмай ёки қабулингизга киролмай қайтиб кетаётган беморлар ҳам борми?

— Замбуруғли касалликни даволаш муддати 70-80 кун. Биз эса жой танқислигидан беморни тезроқ жўнатиб ўрнига бошқасини ётқизамиз.

— Бу касалликнинг жумҳуриятимизда тарқалиш кўлами қанча?

— Статистика маълумотларига қараганда, замбуруғлар ҳар учинчи касал болада, шунингдек, катта ёшдаги беморларнинг ҳар ўнинчисидан топилмоқда. Шуни айтиб ўтиш керакки биз Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1-клиник шифохонаси ҳузуридаги республика микология ва протозой касалликлари илмий марказида иш олиб борямиз. Шароитимиз ҳозирча оғир.

Қўлимда сўнгги ўн беш — ўн саккиз йил мобайнида олима архивида йиғилган ҳужжатлар. Уларда Америка, Нидерландия, Англия олимлари Нозимахон Деҳқонхўжаеванинг илмий-тадқиқоти диққатга сазоворлиги, мазкур замбуруғларни ўта замонавий микроскопларда катталаштириб суратга олинган кўринишлари тиббиёт фанида илгари учрамаганлиги ҳақида сўз боради.

Зукко, олиму, фузалоларимиз чет эл мутахассислари билан ҳамфикр бир олий йиғин ўтказсаларда, мазкур кашфиёт ҳақида ҳаққоний, холис фикр билдириб профессор Нозимахон Деҳқонхўжаева билан биргаликда изланса лар, зора болалар ўлими кўрсаткичи сезиларли пасайган бўлармиди?!

Гулнора РАҲМОН қизи.

КУЛМЎЙЛОВ

• ҲАЖВИЯ

ГАПУР?! Гапур?! — деб дўқ уриб кўрди чол.

Қаёқда?! Миқ этмайди! «Сеси ўлиб кетибди бетафиқни тоза! Суяк ютаётган илондай бақрайиб кўзингга қарайди, холос! Тамом! Бошқа ҳеч... Нима қилиш керак буни энди, ҳайронсан?! — ўйлади соқолини ғижимлаб. — Гапиртириш керак, бир илож қилиб, акс ҳолда ойдай келин ҳам... Ҳушт!».

Аслида гап бундай бўлган эди.

Чолнинг соппа-соғ, эчкини «ланка» қилиб тепадиган йўлбарсдай ўғли уйландию... бирдан гапирмай қўйди! Бутунлай эмас, сал-пал гапиради... кам-да, кам! Чолга кам кўринади! Назарида, нимадир бўлгандай, номаълум бир илоҳий куч ёлғиз ўғлига чанг солгандек туюлди. «Азлар-пазларга, базм қилаётган фаришталарнинг устига билмай ёзилганми» деб эди, ундай эмас экан! Ўғли, қайтага, ургудай олакула қаради! Худонинг қудратини қаранг? Ўн одамни кулдириб, оғзига қаратиб ўтирадиган бола, бирдан... Охири Ёдгор чол тоқат қилолмай қолди, ичи гумириб, аҳлиҳуши учди. Бор чора кўрилди, бор чора! Тиббиётням, эскичасиям... Бир тийинлик, пучакча фойда чиқмади, пучакча! Шунда бирдан... Чол ўша заҳоти ғайратга миниб, қари эшагини эгарлаб, «дулдул»дай қилиб йўлга тушди.

Нима қиламиз яшириб, гапнинг рости, бу чолнинг Раббим кулмўйлов деган қиёматли ошнаси бор эди.

Кулмўйлов (мўйлови туб кулнинг рангида эди, лақаб ҳам шундан бўлса керак) озғин, қоқчакка, зиғирдеккина одам кўринсаям, аслида ерга тушса жинжак бўп сапчийдиганлар хилидан эди. Оёғига бедана маҳси ёки ҳар-ҳар замонда туси песдай латта этик кийиб, аталаранг пижамасининг ён чўнтагига чўғдай қип-қизил ён дафтарча, тўртта қалам солиб юрарди. Ошни, агар зиғир ёғли палов бўлса, каламушнинг инига ўхшатиб тагидан «ғор» ковлаб борарди-да, ҳалиги «ғор» ноҳосдан қулаб тепадаги гўштлар ёнига тушса, «Ие?!» деб қўярди. Қорни тўйса тишини ковлаб, қолғинди ёғни маҳсисига суртарди, қорни оч бўлса, лабга тошган учуқдай бўзариб тура берарди. Шунақа одам эди. Нотиқлиги-ю, ишбилармонлиги, сал алигидақа азаймихонлигини-ку, энди асло қўяверинг! Мол савдоси борми, хотин савдосими у, ўртадаги совчиликми, бировларни яраштириб қўйишми, дуои-баддан халос қилишими, ишқилиб қалтис ишнинг ҳаммасини жойини соларди.

Ёдгор чол борганда ошнаси бузоқбошидай бўп оғил кураб чиқаётган экан, муддаони эшитиб, сал «таранг» қилиб бўлсаям кўнди. Келишди.

Осон гап экан. Йигитни мундайроқ бир саватдай қилиб, ёнига ўтқазиб қўйди-ю, бошлади...

Ҳалиги кийимда (шу кийимини узлуксиз киярди) хона ичида қўлни орқага қилиб, бешиктерватдай юриб, олдин ғўри қиёматдан, мусулмончилик ақидаларидан, йигитлик шаъни-ориятидан, ота-она ҳурмати..... олди! Афлотун бўл-ей! «Қасида»нинг ҳар бўлими тугаганда мулла куф-суф қилгандай:

— А?! Тушунарлими? Гапур?!— деб қўярди.

Бора-бора буткул орқаси тутиб, жазавага туша бошлади. «Куф, суф»лар лаҳза сайин такрорланди. Буралди, чирмалди, қўлларини сермади, йиғламсиради, кулди, тупик сачратиб бақирди. Ниҳоят, йигитнинг афтига калтакесакдек совуқ қараб:

— А?! Қандай?! Тушунарлими?! Қайтарилмайдими?! Гапур-р! — деди важоҳат билан. — Ё, тавба?

— «Қайтарилмайди!

— Гапириладими?!

— Гапирилади!

— Ота иззат қилинадими?

— Иззат қилинади!».

Ана, кейин... жазава тобора таранглашиб борди-да, сал пўписа қилинсаям зарар қилмайди, деган фикрга келинди, шекилли, икки бармоқ паншаҳадай кўзга тутилди.

— Ҳай, мени биласанми, сен мени?! Сени биласанми, мени... (Чалкашиб кетилди!) Сен мени, мен сени... Сен мени биласанми?! Ҳа, шундай бўлсин... Гапур?! Дуои бадимга учраб, кўплар, биласанми, нима бўп қолғон? А?! Қурбақа бўп қоғон, қурбақа! Гапур?! Туф дейман бўлмаса бетингга... Ҳмм... Туф!

Тамом! Кулмўйлов «ковун туширишдай» қўйди... Нохосдан оғзидан учган шапалоқдай тупук йигитнинг бетига бориб тушди-да, арқондай осилиб қолди... Сўнг...

Кулмўйлов бир бақиришга улгурди. Аллақандай ҳайбатли қўл баданини улоқчадай эзиб, ийғалаётганини сезди. Қўйруғи-ю белига кимдир аралаш қилиб икки тепиб:

— Ҳей, кароматингга... сендай насиҳатгўйни! — деганини эшитди.

Муродим УМРЗОҚОВ.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 5 майда чиқади).

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БУЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисоднёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Ғулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

●389.680 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—128.

№ 87.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00. Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.